

ТАҚРИЗ

КЎНГИЛДАН ЧИҚҚАН СЎЗЛАР



Яхши шеър тўқилмайди, балки юракдан тўкилади. Юракдан тўқилгани учун ҳам минглаб юракларга кириб боради. Олтинни мисдан ажратиш мушкул бўлиб қолган ҳозирги замонда бир ёруғ сўз топсангиз, кўнглингиз ҳаприқиб кетади. Шу сўздан туғилган сўзларни қоғозга туширгингиз, туйғуларингизни изҳор қилгингиз келади. Айниқса, адабиётшунос сифатида шеърят бўстонини кузатиб турган инсон сифатида жим туриш, гуноҳдек. Ситора Шамсиддиннинг “Кўнгиладан сўз” номли китобини ўқиганим ҳамано шундай ўй-фикрлар қуршовида қолдим:

*Бир ҳовуч сўз топиб ҳаёт дарёсидан,
Шу сўзлардан мунчоқ тизган девонаман.
Сўзмунчоқни тақиб қўйиб кўксингизга,
Кўнглингиздан жой сўраган бегонаман.*

Шоиранинг сўз дарёсига қўшилиб оқкинг, унинг “Афсона”ларига сингиб кетгинг келади.

*Кетсанг, кетаверсанг, гам ичра безам,
Гўё бор, бор дунёни унутган қушсан.
Кетсанг, кетаверсанг, озод ва хуррам,
Қил кўприк устида рақсга тушсанг.*

Ҳа, қил кўприк устида рақсга тушадиган даражада бегуноҳ яшаш, икки дунё саодатига эришиш ҳар бир инсон кўнглининг туб-тубидаги ёруғ орзуси.

Аслида, Ситорахон Тожиддинова билан танишиш ўзига хос бўлди: PhD диссертация ҳимоясидан сўнг бобуршунос олимлар қатори мен ҳам телевидениенинг “Ўзбекистон 24” телеканалида олиб бориладиган “Шоҳ ва шоир” деб номланган нафис давра суҳбатига таклиф этилдим.

Белгиланган вақтда телевидение биносига етиб бордим, одатдагидек киришда бир оз кутишга тўғри келди. Олийгоҳдан тўғри борганлигим учун кўлимда катта сумка, ён атрофимда менга таниш талабалар “Ассалому алайкум устоз!” дея, ўзлари ҳам кечага таклиф этилганликларини билдириб, йиғила бошлашди. Эшик қоровулларидан бири бир оз кутиб туришимизни айтиб, курсига ўтиришни таклиф этди. Шунда дарҳол “Опа келинг, ўтиринг!” дея истараси иссиқ бир жувон менга жой берди. Унинг кўлида қандайдир китобни ушлаб ўтирганига кўзим тушди. Талабалар яна бирин-кетин салом бериб, кириб кела бошлашди. Кўпчилиги мен маъруза ўқиган Ўзбек тили ва адабиёти университетининг талабалари экан. Бир муддат кутишга тўғри келди. Шу алфозда жой берган сингилнинг кўлидаги китобига қизиқиб, бир кўришни илтимос қилдим. Ушбу китоб “Кўнгилдан сўз” деб номланган экан. Ўқий бошладим. 14-саҳифага келганда Бобур мирзо ҳақидаги шеърга кўзим тушиб қолди:

БОБУР МИРЗО

Боботоғдан лолагуллар териб берсам,
Бинафшаси латиф юртда қолармисиз?
Дил кўшқида бир қасрлар қуриб берсам,
Мирзо Бобур, биздан рози бўлармисиз?

Ўзи шоҳу, қалби дарвеш султоним-а,
Армонингиз жон куйдирган армоним-а,
Ялангоёқ чиқиб кетган карвоним-а,
Мирзо Бобур, биздан рози бўлармисиз?

Буюкларнинг соясида юрганлар бор,
Шу сояда шухрат топиб кўрганлар бор,
Менга эса на шону на давлат даркор,
Мирзо Бобур, биздан рози бўлармисиз?

“Вақое”дан изларингиз излагайман,
“Ойчинор”ни жўшиб-жўшиб сўзлагайман,
Маддохларнинг ёлғонида музлагайман,

Мирзо Бобур, биздан рози бўлармисиз?

Хаёлимда нигоҳингиз тиккандайсиз,
Тушларимда неларнидир айтгандайсиз,
Билмадиму, шу ватанга қайтгандайсиз,
Мирзо Бобур, биздан рози бўлармисиз?

Ушбу шеърни тугатар эканман, беихтиёр кўзларимга ёш келганини пайқамай қолдим. Бу Бобур Мирзонинг “Бобурнома” асарига бўлган муҳаббатми ёки муаллифнинг шеърдан қаттиқ таъсирланганданми, бир неча дақиқада юрагим тўлиб кетди. Худди менинг Бобур мирзо ҳаёти ва ижоди ҳақида йиллар бўйи илмий изланишлар олиб бораётган илм кишисининг ўй-хаёллари, дилидаги гаплар эди бу. Синглимиз шоирона маҳорат ва олимона илм билан ёзган экан бу шеърни. Хуллас, бир тўда кириш учун навбат кутаётган тадбир қатнашчилари ва талабаларимнинг олдида ўнғайсиз ҳолатга тушишдан ийманиб, кўз ёшимни яширдим. Ўн беш йил давом этган машаққатли тадқиқотим мени ҳам ижодий ишларга ундаган эди. Аммо тан олиб айтаманки, гўёки ҳозиргина ўқиган шеърдек таъсирли ва ҳаққоний, самимий мисраларни ўқимаган эдим. Бобур мирзо ҳақидаги бу бир кичик қизнинг “Кўнгилдан сўз”ида залворли мазмун сезилиб турарди...

“Аввал устозлар кирсин!” деган қоровулнинг таъкиди фикримни бўлди ва биз бинонинг ичкарасига киришга тараддудландик. Давра қатнашчилари филология фанлари доктори профессорлар Ҳамидулла Болтабоев, Ҳамидулла Дадабоев, Ўзбек тили ва адабиёти музейи ходими, филология фанлари номзоди Отабек Жўрабоев, “Бобур ва дунё” журнали бош муҳаррир ўринбосари Ситора Тожиддинова ва Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуджон Тожибоев, шу жумладан мен – Зиёдахон Тешабоева ЎзДЖТУ докторанти ва бошловчи филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), журналист Шухрат Ҳайитовдан иборат бўлди.

Кўрсатув жуда қизгин, баҳс-мунозарага бой бўлди. Давра суҳбати давомида Ситора Шамсиддин “Кўнгилдан сўз” китобидан ўша Бобур мирзо шеърини ўқиб берди. Суҳбат сўнгида куй-қўшиқ учун Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуджон Тожибоевга сўз берилганида, у киши ҳам ушбу шеърдан таъсирланганини яширмади, “Бу шеърни эшитиб ҳатто кўзимга ёш келди”, деган сўзларни айтди.

Ситора Шамсиддиннинг “Кўнгилдан сўз” китобчасида яна “Рушана”, “Қизғалдоқ”, “Кайфият”, “Ота” каби бир-бири билан мазмунан уйғунлашиб

кетадиган шеърлари борки, улар ўқувчини безътибор қолдирмайди – дўстпарвар, табиатпарвар, оилапарвар ва инсонпарварликка етаклайди. Унинг шеърлари ҳаётий ва инсонга руҳий мадад берувчи сирга эгадек. Шоира инсонларни бедорликка, вақт қадрини англашга ундайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ситора Шамсиддиннинг “Кўнгилдан сўз” китоби оддий одамларнинг, яхши шеърга ихлосманд халқимизнинг кўнгил мулкидан жой олади. Зотан, унинг мисралари бир нафасда тўхтамай ўқиладиган, инсон юрагининг туб-тубидаги инжу туйғуларини уйғотиб юборадиган самимиятга эга.

Ситора – юлдуз дегани. Ишонаманки, бу шоира адабиётимиз оламида ҳам чин маънодаги юлдуз бўлиб порлайди ҳали. Унинг мўжазгина, аммо кўпжилдликларга ҳам асос бўла оладиган бу шеърларини ўқиб, кўнгилдан шундай ўйлар кечади.

Зиёдахон Қодировна ТЕШАБОЕВА

Докторант (DSc)

Филология фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети